

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДАГИ
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ,
УЛАРНИ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

Республика илмий-амалий анжуман материаллари

Т Ў П Л А М И

2020 йил 13 ноябрь



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**АГРОНОМИЯ ВА БИОТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДАГИ
СУВ ҲАВЗАЛАРИДА ЎСУВЧИ ТУБАН ВА ЮКСАК
СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, УЛАРНИ
ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚЎЛЛАШ**

**мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман
материаллари**

Т Ў П Л А М И

2020 йил 13 ноябрь

Бухоро – 2020

ЖАНУБИЙ- ҒАРБИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФЛОРАСИДАГИ АЙРИМ ЮКСАК СУВ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Эсанов Ҳ.Қ., Аслонова К.А.
Бухоро давлат университети

Сув ўсимликлари тўғрисида фикр юритилганда сувда ўсадиган ўсимликлар билан бирга сув бўйи яъни гигрофит ўсимликларни назарда тутиш лозим. Ўрта Осиё сувликларида 78 оила, 252 туркумга мансуб 779 тур учрайди [2]. Ўрта Осиё сув ҳавзаларда турлар сони бўйича доминантлик қиладиган оилалар ҳилолдошлар (Syraceae), буғдойдошлар (Poaceae), айиқтовондошлар (Ranunculaceae), торондошлар (Polygonaceae), гиччакдошлар (Potamogetonaceae), қоқиўтдошлар (Asteraceae) раънодошлар (Rosaceae), қизилбаргдошлар (Onagraceae) ва бошқалар. Мазкур оилалар таркибида турлар сонининг кўп учраши жанубий-ғарбий Қизилқум флорасига ҳам мос келади. Мазкур ҳудуд флорасини ўрганиш жараёнида сув ўсимликлари ҳам тадқиқ қилинди. Унда гигрофит, гидрофит ва гидатофит турлар аниқланди ва мазкур турлар орасидан айрим вакилларининг фойдали хусусиятлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Қўғадослар (Typhaceae) оиласига мансуб қўға турлари *Typha angustata* L., *T. angustifolia* L., *T. laxmannii* Lerech. ва *T. minima* Funck. учрайди. Бу турлар ҳудудда кенг тарқалган. Айниқса зовур сувларида кўп учратиш мумкин. Бу турлар сув ҳавзалари ҳайвонлари учун жуда катта аҳамиятга эга, айниқса сув қушлари, ондатра ва бошқалар. Қўғаларнинг вегетатив органлари таркибида зарарли кимёвий моддалари учрамайди. Булардан крахмал ва шакар олинади. Крахмал асосан илдизпоясидан олинади. Шунингдек илдизпоясидан қўға уни олинади ва чорва моллари, қушлар учун ем сифатида берилади. Ёш новдалари чорва моллари, қушлар ва балиқларга (карп) озуқа сифатида берилади. Ингичка баргли қўғанинг мевалаш давридаги қуруқ новдаларининг таркибида 27,14% клетчатка, 4,28% оксил, 1,22% ёғ, 50,7% азотсиз моддалар ва бошқа моддалар учрайди.

Қирқбўғимдошлар (Equisetaceae) оиласига мансуб сершоҳ қирқбўғим (*Equisetum ramosissimum*) сернам ариқ, зовур ва дарё бўйларида учрайди. Бу тур доривор ўсимлик ҳисобланиб, халқ табобатида сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи ва ўпка силида фойдаланилади. Сершоҳ қирқбўғим таркибида 10,4% сув, 22,4% клетчатка, 4,2% оксил, 5% ёғ, 46,8% азотсиз моддалар сақлайди.

Шохбаргдошлар (Ceratophyllaceae) оиласига мансуб ботган шохбарг (*Ceratophyllum demersum* L.) ҳам мазкур ҳудуд сувликларида учрайди. Бу тур билан сув ҳайвонлари ва қушлари озиқланади. Унинг новдалари билан оқ амур балиғи озиқланади. Шунингдек балиқчилик ҳовузлари учун яшил ўғит бўлади. В.А. Кононов ва В.С. Присянов [1] маълумотларига кўра 1

гектар майдонда шохбарг 10 тоннагача фитомасса ҳосил қилади. Унинг таркибида 400 кг азот ва 150 кг минерал тузлар бўлади.

Буғдойдошлар оиласига мансуб курмак (*Echinochloa crus galli* (L.) P. Beauv.) сув бўйларида, сернам жойларда ўсадиган гигрофит ўсимлик. Пахтазорлар, экинлар ораси, шоли далаларида бегона ўт сифатида учрайди. Чорва моллари учун ўсимлик пояси қимматбаҳо озуқа ҳисобланади. Уруғлари товуқларга озиқа сифатида берилади.

Қоқиўтдошлар оиласига мансуб учбўлакли қорақиз ёки иттиканак (*Bidens tripartita* L.) ариқ бўйларида ўсади. Доривор ўсимлик. Сийдик ҳайдовчи ва терлатувчи хусусияти мавжуд. Халқ табобатида курук баргларида кайнатмасидан йўталда ва ҳўл баргларида илон чакқанда яраларга қўйилади. Шунингдек сариқ бўёқ олинади.

Сувда ва сув яқинида ўсадиган юксак ўсимликлар сувда яшайдиган ҳайвонлар (балиқлар, зоопланктон, зообентос ва бошқ.) учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, турли даражада хизмат қилади: балиқ турлари учун яшаш макони; моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва сувда яшайдиган ҳашаротлар учун қишлоқ жойи; бентос организмлар учун субстрат; сув қушлари учун уя қурадиган жой ва озуқа; ўтхўр балиқлар, ондатра, нутрия ва бошқа сув ҳайвонлари учун озуқа; йиртқич сув ҳайвонларидан яширинадиган жой. Бу ҳолат юксак сув ўсимликларининг сув ҳавзаларидаги биохилма хилликни шаклланишида ва сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга улардан тиббиётда, чорвачилик, паррандачилик ва халқ хўжалигини бошқа тармоқларида фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кононов В.А., Просяной В.С. Водная растительность и ее использование в прудом рыбном хозяйстве. – Киев. ГИЗ. 1949. 234 с.
2. Таубоев Т. Флора и растительность водоемов Средней Азии и их использование в народном хозяйстве. – Т.: ФАН, 1970. – С. 297-320.

<i>stratiotes l) ўсимлигини кўпайтириши ва сувни органино-минерал моддалардан тозалаш биотехнологияси</i>	
Toxirov B.B., Raxmatova Z.B., Tolibova N.N. <i>O'zbekiston respublikasi hududidagi suv havzalarini tuban va yuksak o'simliklar yordamida tozalash</i>	93
Ходжиева М.С. <i>Турфа angustifolia-ингичка баргли қўға ўсимлигининг халқ-хўжалигидаги аҳамияти</i>	95
Rahmonova K.Q., Tashpulatov Y.Sh. <i>Dorivor suv o'simligi xushbo'y igir (Acorus calamus l.) Ni madaniylashtirish sharoitida o'sishi va rivojlanishi</i>	97
Хонжонова М., Namozova D., Qobilov A. <i>Azollaning bioekologik xususiyatlari va ahamiyati</i>	99
Қобилов А.М., Юлдашов Л.Т., Исмоилова Д.З. <i>Қора-қир кўлининг юксак сув ўсимликлари ва уларни балиқчиликда қўллаш</i>	103
Jalolov E.B., Shodmonov F.Q., Aripov B.F. <i>Baliqchilikni rivojlantirishda yuksak suv o'simliklarining rol</i>	103
Во'риев С.В., Jalolov E.B., Yuldoshov L.T. <i>Ryaska va pistia o'simliklari chorvachilikda, parrandachilikda hamda baliqchilikda samarali qo'llas</i>	105
Ikromova H.S., Yusupov M.U., Yargulova Z.R. <i>Suv o'simliklariga fizik omillarning ta'siri va dinamikasi</i>	107
Jalolov E.B., Qobilov A.M., Давронова Ш. <i>Yuksak suv o'simliklarining tabiatda va xalq xo'jaligidagi ahamiyati</i>	110

4-ШЎЪБА

СУВ ҲАВЗАЛАРИДАГИ ЎСИМЛИКЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ҳайдаров С.А., Хўжамшукуров Н.А., Абдиназаров Х.Х. <i>Балиқчилик тармогини микросувўтларидан фойдаланиш истиқболлари</i>	113
Холиқов А.Ф., Воҳидов Х.Т. <i>Айдар-арнасой кўллар тизимида оқ сла - Sander luciperca (Linnaeus, 1758) нинг морфологик хусусиятлари ва муҳофазаланиши</i>	115
Farmonova O.S. <i>Suv havzalaridagi suv o'tlarining xilma-xilligi va ulardan foydalanishning dolzarb masalalari</i>	117
Эсанов Ҳ.Қ., Аслонова К.А. <i>Жанубий- гарбий қизилқум флорасидаги айрим юксак сув ўсимликларининг аҳамияти</i>	119
Сафарова З.Т., Асадова Н.Ё. <i>Ўзбекистон сув ҳавзаларидаги сув ўсимликларидан фойдаланишнинг долзарб масалалари</i>	121
Бакаева Ш. <i>Хозяйственные особенности растения эйхорния водный гиацинт- Eichornia</i>	123
Ҳайитов Ё. Қ., Тошбеков Н.А., Жумаева Т.А. <i>Сув ресурсларидан</i>	124